

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТАНОВА ЛОЛА АКМАЛОВНА**

**ХИТОЙ ТИЛИНИНГ ТИББИЁТ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ**  
**(ЖАРРОҲЛИК ТЕРМИНЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

УЎК : 811.581:61  
КБК:81.2-3 (5Кит)  
С-89

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Султанова Лола Акмаловна**

Хитой тилининг тиббиёт терминологияси

(жарроҳлик терминлари мисолида)..... 3

**Султанова Лола Акмаловна**

Медицинская терминология китайского языка

(на примере хирургических терминов)..... 29

**Sultanova Lola Akmalovna**

Medical terminology of the Chinese language

(using the example of surgical terms) ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 58

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**СУЛТАНОВА ЛОЛА АКМАЛОВНА**

**ХИТОЙ ТИЛИНИНГ ТИББИЁТ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ**  
**(ЖАРРОҲЛИК ТЕРМИНЛАРИ МИСОЛИДА)**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil.1293 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsuos.uz](http://www.tsuos.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Содиқов Қосимжон Позилович**  
филология фанлари доктори;

**Расмий оппонентлар:**

**Ходжаев Аблат**  
тарих фанлари доктори;

**Мирзахмедова Хулкар Восиловна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат чет тиллар институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [info@tsuos.uz](mailto:info@tsuos.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Р.А. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

**Х.З. Алимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида терминология тилнинг энг ҳаракатчан ва мунтазам бойиб боровчи, турли фаолият соҳаларига янги маънолар, таърифлар ва муқобилларнинг катта миқдорда сингишига олиб келувчи қатлами сифатида эътироф этилади. Тиббиёт ва соғлиқни сақлаш билан бевосита боғлиқ илмий-амалий тушунчалар, ходисалар ва жараёнларни аниқ, ўз маъноларида ифодалаш учун қўлланадиган лексик қатламсаналувчи тиббиёт терминологияси (医学术语 yīxué shùyǔ) ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги даврда тиббиёт терминлари жамият учун ҳаётий аҳамият касб этувчи фаолият соҳаси ҳисобланган тиббиётнинг тизимли ва функционал жиҳатларини тадқиқ этишни талаб қилувчи илғор терминлар қаторига киради. Терминларни халқаро тизим талабларини ҳисобга олган ҳолда танлаш ва мувофиқлаштиришнинг умумий қоидалари ва мезонларини ишлаб чиқиш эса тиббиёт терминларини илмий ўрганишнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон синологиясида тиббиёт терминологияси (医学术语 yīxué shùyǔ)нинг ясалиши ва танлаб олиниш мезонлари, терминологиянинг тўлдирилиб бориши жараёнини ўрганиш нуқтаи назаридан, алоҳида аҳамият касб этувчи лексик-семантик ҳамда грамматик ўзгаришлар ва шаклларни ўз ичига олади. Қолаверса, тиббий терминларни халқаро стандартлаштириш муаммоси тиббиётнинг барча йўналишларини қамраб олувчи терминлар мазмунининг семантик мувофиқлиги, адекватлиги масаласи бўйича изланишлар олиб бориш етарли даражада ҳал қилинмаган ва ечимини кутаётган муаммолардан саналади. Шу боис, тиббиёт терминологиясини мунтазам равишда таҳрир қилиб бориш, уни қайта ишлаб чиқиш ва қўламини кенгайтириш талаб этилади. Бунинг эътибордан четда қолиши эса, соғлиқни сақлаш тизими билан тиббиёт фанининг ўзаро боғлиқлигидаги узилишга сабаб бўлиши мумкин. Тиббиёт терминологиясининг илмий йўналиш сифатида ўрганилиши терминларнинг турли таркибга ва кўп маънога эгаллиги, шунингдек, қисқартирилиш имконияти билан тавсифланувчи тиббий ашёлар ва асбоб-ускуналар номларининг умумий маъноларини аниқлашда муайян мураккаблик туғдиради.

Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги қалин муносабатлар ва турли соҳалардаги ҳамкорликлар доирасида соғлиқни сақлаш ва тиббиёт тизимидаги алоқалар алоҳида ажралиб туради. Коронавирус инфекцияси (COVID-19) ва унинг турлари кенг тарқалган даврда, биринчи навбатда, икки мамлакат соғлиқни сақлаш тузилмалари орасидаги муносабатларнинг йўлга қўйилуви кўрилаётган чораларнинг самарадорлиги, бундан кейин ҳам тиббиёт соҳасида чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини кўрсатмоқда. Айнан шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан «жаҳон миқёсида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишда... мисли кўрилмаган чоралар кўрилмоқда»<sup>1</sup> ва пандемия муаммо-

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5969-сон Фармони.

ларига қарши туриш тиббиётнинг долзарб вазифасидир <sup>2</sup>, деб алоҳида таъкидланиши бежиз эмас.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5117-сон Қарори, 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига энг янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон Фармони, 2020 йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, санитария-эпидемиологик осойишталик тизимини тубдан такомиллаштириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6035-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олийтаълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарори, 2020 йил 16 апрелдаги «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4680-сон Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлида муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тузишни шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хитой тилшунослигида тиббиёт терминологияси алоҳида ўрганилиши керак бўлган соҳа ҳисобланади. Бунда термин ясалишининг усул ва шакллари алоҳида эътиборни талаб қилади. Жён Хулинг ва Гоу Жужин <sup>3</sup> каби хитойлик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, тиббий терминологик тизимни ўзлаштириш жараёни таълимнинг турли йўналишлари ва мутахассисликларини ўзлаштириш воситаси ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан хитой тили терминологиясининг услуб ва шакллари тизимли ва комплекс ўрганиш зарурати пайдо бўлган.

Ли Цзиньси <sup>4</sup> ва Лю Шижунинг фикрича, терминларни шакллантиришнинг учта асосий усули мавжуд: синтактик, морфологик ва фонетик. «Хитой тили лексикологияси» китоби муаллифи Сунь Чансюй <sup>5</sup> фонетик, семантик ва структур усуллар таркибидалексик-структур ва морфологик-структур гуруҳ ости гуруҳларни таклиф қилади. Жэнь Сюян <sup>6</sup> эса лексика ясалишининг бешта

<sup>2</sup> <https://www.gazeta.uz/ru/2021/07/28/vaccination-president>

<sup>3</sup> Rèn Huiling Guō Jīnjīng. 任慧玲郭进京孙海霞李军莲邓盼盼冯铭王怡. [中图分类号] R-056 [文献标识码] A [DOI] 10.3969/j.issn.1673-6036. - 2018.05.001 (中国医学科学院医学信息研究所/图书馆北京 100005) (中国医学科学院北京协和医院北京 100730)

<sup>4</sup> Ли Цзиньси, Лю Шижун. Ханьюй юйфа цзяоцай [Учебные материалы по грамматике китайского языка]. – Пекин, 2013. – С. 518-519.

<sup>5</sup> Сунь Чансюй. Ханьюйцыхуй. Лексика китайского языка. – Чанчунь, 1956. – С.78-79.

<sup>6</sup> Жэнь Сюэян. Ханьюй цзяоцайфа [Словообразование китайского языка]. – Пекин, 1981. – С. 44-45.

асосийусулларни ажратади: морфологик, синтактик, стилистик, фонетик ва синтетик.

Бошқа илмий-тадқиқот ишларида тиббиёт соҳасидаги муҳим концепциялар ва улар ўртасидаги семантик муносабатларнинг стандартлаштирилган тавсифи сифатида тиббий билимларни ташкил этиш тизими таҳлил қилинган. Бундай тизим тиббий билимлар, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги маълумотлардан ҳамкорликда самарали фойдаланишда, тиббиёт технологияларининг инновацион ривожланишига кўмак беради<sup>7</sup>. Ли Хаолинга кўра, тиббий билимларни ташкил этиш тизими – тиббиёт масалаларини самарали ҳал қилишда муҳим роль ўйнайдиган биотиббий концепциялар ва улар орасидаги семантик муносабатларни стандартлаштириш ҳисобланади<sup>8</sup>.

Тиббиёт терминологиясини тадқиқ қилишга бошқача ёндашувни четэллик тилшуносларнинг ишларида кузатиш мумкин. Масалан, О.В.Шестакнинг фикрича, кўпмаънолилиқнинг турларидан бири ўларок, терминологик полисемиянинг табиатини ўрганишда тиббий фанлари терминлардаги кўпмаънолилиқ ҳодисасини тадқиқ этиш талаб қилинади<sup>9</sup>. Д.Б.Темированинг<sup>10</sup> диссертация тадқиқотида терминологиянинг когнитив-деривацион салоҳияти, хусусан, тиббиётнинг турли соҳалари, жумладан, косметологияда концептуал-терминологик соҳани шакллантиришда лингвистик ва экстралингвистик омилларни аниқлаш алоҳида долзарблик касб этади.

Хитой тилида сўз ясалиши тизими ва усуллари бир қатор илмий тадқиқотлар<sup>11</sup>, чунончи, И.М.Ошанин, А.А.Драгунов, Н.Н.Коротков ва В.М.Солнцев каби олимларнинг ишларида изланиш предметиға айланди<sup>12</sup>. В.М.Солнцевга кўра, хитой тилида сўз яшанинг конверсия, сўз кўшилиши, аффиксация усуллари мавжуд<sup>13</sup>. В.И.Гореловнинг тадқиқотларида лексик-семантик, лексик-морфологик, морфологик, морфологик-синтактик, морфологик-фонетик, лексик-семантик, шунингдек, редупликация ва контракция усуллари ажратилади<sup>14</sup>. О.П.Фроловнинг ишларида «терминлар фонетик, морфологик, синтактик ҳамда конверсия усуллари воситасида

<sup>7</sup> 知识组织; 叙词表; 本体; 术语服务; 主题标引医学知识组织系统是对医学领域重要概念及其语义关系的规范化描述, 有助于实现海量医学知识的深度组织与有效利用, 对推动医疗健康大数据的语义互联、共享共用及医药科技创新发展具有重要意义。本文全面阐述代表性中文医学知识组织系统的内容结构、规模体量及发展历程等基本情况, 对其在术语服务、文献主题标引与主题检索、临床医学知识库构建等主要应用实践进行概要介绍, 并对今后的发展趋势和研究重点进行总结和展望。2020 (7): 30-35

<sup>8</sup> 作者简介. 李晓瑛, 女, 1982年生, 博士, 副研究员, 研究方向: 医学知识组织。李军莲, 女, 1972年生, 硕士, 研究馆员, 通信作者, 研究方向: 医学知识组织与信息处理,

<sup>9</sup> Шестак О.В. Полисемия терминов медицинских наук: Автореф.дисс...канд. филол. наук. – Краснодар: Кубанский государственный университет, 2000. – 32 с.

<sup>10</sup> Темирова Д.Б. Когнитивно-функциональные и структурно-семантические особенности формирования терминологии в косметологии (на материале русского и английского языков): Дисс...канд. филол. наук. – Майкоп: Адыгейский государственный университет, 2019. – 170 с.

<sup>11</sup> Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка. – М.: Муравей, 2003. – С.56-77.

<sup>12</sup> Ошанин И.М. Слово и части речи в китайском языке: Дисс... д-ра филол. наук. – М., 1946; Драгунов А.А. Грамматическая система современного китайского языка. – Л., 1930; Коротков Н.Н. Основные особенности морфологического строя китайского языка. – М., 1968; Солнцев В.М. Проблема слов в китайском языке: Дисс... канд. филол. наук. – М., 1953.

<sup>13</sup> Солнцев В.М. Очерки по современному китайскому языку. – М.: Восточная литература, 1957. – С.204.

<sup>14</sup> Горелов В.И. Лексикология китайского языка. – М.: Просвещение, 1984. – С. 19-20.

шаклланиши мумкин»лиги таъкидланган<sup>15</sup>. И.Д.Кленин ва В.Ф.Шичконинг тадқиқотларида морфологик, семантик, фонетик ҳамда аффиксал сўз ясалиши усуллари батафсил кўриб чиқилган ва морфемли контракция ва унинг турлари таҳлили келтирилган<sup>16</sup>. Янги луғат таркибини шакллантириш усуллари тўғрисида ҳар хил фикрлар юзага келганлигига қарамай, сўз ясалишини ўрганиш масаласига энг объектив ёндашув, бизнинг назаримизда, сўз ясалишининг синтактик усулини алоҳида ажратган Жэнь Сюлянь (任学良) томонидан таклиф этилган. Ушбу усулнинг моҳияти сўзлар ёки сўз ўзакларини кўшиш орқали янги лексикани яшадан иборатдир. Шундай қилиб, муаллиф субъектли-предикатив модель 主谓式, предикатив-объектли модель 谓宾式, кўшимча модель 补充式, боғловчи (бириктирувчи) модель 并列式, тобе модель 主从式 ни асослаб берди<sup>17</sup>.

Д.А.Ҳайдарова, Р.Р.Шамсутдинова, Э.А.Лаптеванинг изланишлари бошқа тиллартиббий терминларини тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, уларда тиббий терминологиянинг систем таҳлили, термин-синонимларнинг хусусиятлари ва аташ тамойиллари ўз аксини топган<sup>18</sup>. Санаб ўтилган муаллифларнинг асарларида терминларни тизимли таҳлил қилиш таклиф қилинибгина қолмай, балки тилдаги терминлаштирилаётган тушунчаларни фарқлаш тамойиллари ҳам ўрганилади.

Ўзбек хитойшунослигида А.А.Каримов<sup>19</sup>, С.А.Насирова<sup>20</sup>, С.А.Ҳашимова<sup>21</sup> ва С.Т.Мустафаеванинг<sup>22</sup> илмий тадқиқотлари сўз ясалиши ва унинг жараёнлари, кўриб чиқилаётган тушунча ва семантик муқобилларни излашга бағишланган. А.Каримовга кўра, термин тил бирлиги сифатида сўз юритилаётган тилнинг фонетик ва грамматик қонунларига бўйсунди терминнинг структур-семантик хусусиятлари сўз ясалиши соҳасида намоён бўлади, натижада ҳақиқий терминологик моделларга хос бўлган алоҳида формантларнинг ихтисослашуви юз беради<sup>23</sup>. С.А.Насирова, юқорида кўрсатилган усуллар билан бир қаторда, ижтимоий-сиёсий терминология

<sup>15</sup> Фролова О.П. Словообразование в терминологической лексике современного китайского языка. – Новосибирск: Наука, 1981. – С.22.

<sup>16</sup> Кленин И.Д., Шичко В. Ф. Лексикология и фразеология китайского языка. – М., 1978. – С. 72-110.

<sup>17</sup> 任学良, 《汉语造词法》北京..1981年 (Жэнь Сюэлянь. Ханьюй цзаоцзыфа [Словообразование китайского языка]. – Пекин, 1981.

<sup>18</sup> Ҳайдаров Д.А.Особенности медицинской терминологии в таджикском и английском языках: Автореф.дисс... канд.филол.наук. – Душанбе, 2007; Шамсутдинова Р.Р. Медицинская терминология в татарском языке: Автореф.дисс...канд.филол.наук – Казань, 2000; Лаптева Е.А.Структурная характеристика медицинских терминов-синонимов (на материале научных текстов в области дерматологии и венерологии)//Вестник Южно-Уральского государственного медицинского университета. – Челябинск, 2005.

<sup>19</sup> Каримов А.А. Вопросы китаеведения. – Ташкент: ВАУОЗ, 2020. – 192 с.; Каримов А.А. Хитой тилида ҳисоб сўзлар (лексик-семантик, структур ва функционал таҳлили). Монография. – Тошкент: Фан ва технология, 2003; Каримов А.А. Хитой тили назарий грамматикаси. – Т.: ТДШИ, 2020.

<sup>20</sup> Насирова С.А. Ҳозирги замон хитой тили дипломатик терминларининг лексик-семантик ва структур таҳлили: Филол.фан.номз....дисс.автореф. – Тошкент, ТДШИ, 2008; Насирова С.А. Общественно-политическая терминология в современном китайском языке: Автореф.дисс... д-ра филол.наук. – Ташкент, ТГУВ, 2020. – 70 с.

<sup>21</sup> Ҳашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация: Филол.фан.номз. ... дисс. – Тошкент, ТДШИ, 2009. – 154 б.

<sup>22</sup> Мустафаева С.Т. Хитой тилшунослик терминологияси: Филол.фанлари буйича фалсафа док. (PhD)... дисс.автореф. – Тошкент, ТДШИ, 2017.

<sup>23</sup> Каримов А.А. Некоторые теоретические аспекты образования терминов китайского языка / Вопросы китаеведения. Сборник статей. – Ташкент, 2020. – С. 43.



мисолида хитой тили терминларининг композиция, аффиксация ва қисқартириш усуллари ёрдамида ясалишини таъкидлайди<sup>24</sup>. С.А.Хашимованинг тадқиқотида редупликация, аффиксация ва конверсия хитой тили лексикасини шакллантириш усуллари сифатида кўриб чиқилган<sup>25</sup>. Бироқ, ҳозирги кунда тиббиёт терминологиясини жарроҳлик терминлари ва асбоб-ускуналари номлари, уларнинг шаклланиши ва тўлдириб борилиши усуллари мисолида илмий ўрганишга бағишланган махсус тадқиқотнинг йўқлиги мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди. Хитой тилида иероглифларнинг кўп маънолилиги ва терминларнинг метафорик хусусиятлари туфайли ягона терминологик базанинг мавжуд эмаслиги, тиббиёт терминларининг семантик мувофиқлигини излаш зарурати танланган диссертация мавзусининг ҳали ўрганилмаганидан далолат беради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, «Марказий Осиёда лексикология ва лексикография: анъаналар ва замонавий илмий мактаблар» мавзуидаги илмий тадқиқотлар доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳозирги хитой тили жарроҳлик терминлари мисолида сўз ясалиши ва термин ҳосил қилишнинг маҳсулдор усуллари очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

хитой тилида тиббиёт терминологиясининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

хитой анъанавий тиббиёти (中医) ва ғарб тиббиёти (西医) симбиози (уйғунлашуви)га асосланган терминларни стандартлаштиришни асосий сўз яшаш жараёни ва замонавий хитой тиббиёт терминологияси сифатида ўрганиш;

жарроҳлик соҳасига оид хитой терминологиясининг таркибини аниқлаш ҳамда уларнинг тематик ва лексик-семантик таснифини тузиш;

жарроҳлик соҳасидаги тиббий терминларнинг лексик-семантик майдонини белгилаш;

жарроҳлик соҳасига оид тиббий терминларнинг маҳсулдор усуллари, шу жумладан, сўзларнинг кўшилиши, аффиксация (префиксация ва суффиксация), контракция ва ўзлашган сўзларни, шунингдек, уларнинг маҳсулдорлик даражасини аниқлаш;

халқаро стандартлаштириш тизимида қабул қилинган, синонимик қаторларнинг пайдо бўлишига олиб келадиган эпонимик терминларни ўзлаштириш йўли билан хитой тиббий терминологияси тизимининг тўлдирилишини асослаш.

<sup>24</sup> Насирова С.А. Общественно-политическая терминология в современном китайском языке: Автореф. дисс... д.-ра филол. наук. – Ташкент, ТГУВ, 2020. – С.51.

<sup>25</sup> Хашимова С.А. Ҳозирги хитой тилида редупликация, аффиксация ва конверсия: Филол. фан. док... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 57 б.

**Тадқиқотнинг объектини** ҳозирги замон хитой тиббиёт терминологияси, хусусан, жарроҳлик терминлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** тиббиёт терминологиясини янада бойитишга таъсир кўрсатувчи жарроҳлик терминлари ясалишининг маҳсулдор, хусусан, лексик-семантик ва сўз ясалиши усуллари ўз ичига олади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ушбу тадқиқотда тил материалларини тизимли-структур ва статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

хитой тиббиёт терминологияси, унинг терминларга айланаётган тушунчалари хитой анъанавий тиббиёти ва ғарб тиббиётининг симбиози (уйғунлашуви) фонида яратилганлиги, биринчи навбатда, атамаларни стандартлаштириш ва идентификациялашда ўз аксини топганлиги асосланган;

жарроҳлик соҳасидаги тиббий атамалар тилнинг лексик-семантик тизимининг ажралмас қисми эканлиги далилланиб, унинг асосида терминларни ҳосил қилишнинг самарали усуллари сўзлар кўшилиши, аффиксация (префиксация ва суффиксация), қисқартириш ва ўзлаштириш кабилар эканлиги аниқланган;

临床术语 [línchuáng shù yǔ] клиник терминология доирасида жарроҳлик терминлари аниқланиб, жарроҳлик соҳасининг лексик-семантик майдонини ташкил қилувчи терминларнинг тематик ва лексик-семантик жиҳатлари асосланган;

тиббиёт фанлари ва соғлиқни сақлаш соҳаларида рухсат этилган маъно ҳамда таърифларни ҳисобга олган ҳолда, 中国实用外科杂志 («Хитой амалий жарроҳлик каталоги») бўйича инструментарийнинг хитой тилидаги жарроҳлик терминлари, эпонимлари ва номинацияларининг семантик муқобиллари исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хитой тиббиёт терминологиясини тадқиқ этишнинг шарт-шароитлари, унинг шаклланиши, терминларнинг хитой анъанавий ва ғарб тиббиётининг уйғунлашуви фонида шаклланиш ҳамда стандартлаштирилиш жараёнлари ўрганилган;

тиббиётга тегишли номларни стандартлаштириш ва кодлаштириш мақсадида тиббиёт терминлари таҳлили ва терминларнинг SNOMED CT 系统化医学术语: 临床术语 (тизимлаштирилган тиббиёт номенклатураси: клиник терминлар, Systematized Medical Nomenclature: Clinical Terms) тизимларида 中国实用外科杂志 («Хитой амалий жарроҳлик каталоги») <sup>26</sup>, SNMD 医疗设备标准化术语 (Тиббиёт буюмлари номенклатура стандартлари: Тиббиёт буюмларини таснифлаш, кодлаш ва номенклатурага киритиш халқаро тизими. Standardization Nomenclature of Medical Devices) ва каталог 医疗器械分类目录 (Тиббиёт ускуналарини таснифлаш каталоги, Medical Device Classification Catalog) бўйича амалга оширилган;

<sup>26</sup> <https://navi.cnki.net/KNavi/JournalDetail?pcode=CJFD&pykm=ZGWK&Year=&Issue=>

жарроҳлик соҳасида тиббий терминларни шакллантиришнинг сермахсул усуллари аниқланган ва асосланган, шунингдек, сўзларнинг кўшилиши, аффиксация (префиксация ва суффиксация) орқали ҳосил бўлган терминлар кўриб чиқилган, хитой тиббиётининг терминлар билан тўлдирилишига йўналтирилган эпонимик терминлар ва термин ўзлаштиришнинг таъсири кўрсатилган;

олиб борилган лексикографик тадқиқот асосида 汉 - 乌 - 俄 医学 词典 («Хитойча-ўзбекча-русча тиббиёт луғати», Тошкент, 2012)дан тиббиёт терминларигина эмас, балки инсон танасининг қисмларини ифодаловчи 3800 дан зиёд birlikлар ажратиб олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** хитой тилидаги фундаментал, илмий-услугий, махсус ва оригинал адабиётлар асосида олинган тадқиқот натижалари, 中国实用外科杂志 («Хитой амалий жарроҳлик каталоги») <sup>27</sup> ҳамда 世界卫生组织 – Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (World Health Organization) томонидан тавсия этилган нашрлар бўйича тиббиёт терминларининг ўрганилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тиббиёт, хусусан, жарроҳлик соҳасида терминлаштирилаётган тушунчаларни аниқлаш, терминларни танлаб олишда умумий меъёрларга келишишда, шунингдек, мазкур соҳа терминларини бир маънолилик, адекватлик, замонавий объектив илмий билимларга мувофиқлиги белгиларига кўра тақсимлаш ва стандартлаштиришда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қила олиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Филология ва тилларни ўқитиш (хитой тили)» таълим йўналиши талабалари, «Тилшунослик (хитой тили)» магистратура мутахассислиги магистрантлари учун «Хитой тили тарихи», «Хитой тили лексикологияси», «Хитой ёзуви асослари», «Хитой тилининг назарий грамматикаси», «Мутахассисликнинг назарий масалалари», «Ўрганилаётган тилдаги (хитой тили) махсус адабиёт таҳлили» фанларидан янги авлод ўқув адабиётлари яратиш, шунингдек, тиббиёт олий таълим муассасалари талабалари ва тадқиқотчилари, тиббиёт соҳасидаги илмий-тадқиқот марказлари учун ўқув материалларини тайёрлаш, юқори малакали тиббиёт мутахассисларини ўқитиш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш курслари учун махсус тиббиёт фанлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хитой тилининг тиббиёт терминологиясини (жарроҳлик терминлари мисолида) тадқиқ қилиш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

хитой тилидаги сўз ясаши масалаларини таҳлил қилиш жараёнида олинган илмий-назарий натижалардан Хитой Халқ Республикаси Шимоли-ғарбий миллатлар университетининг «乌兹别克民族来源历史» 翻译出版 «Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида фойдаланилган (ХХР Шимоли-ғарбий миллатлар университетининг 2019 йил

<sup>27</sup> Ўша ерда: <https://navi.cnki.net>

4 декабрдаги 7-сон маълумотномаси). Илмий хулосалар замонавий хитой тилида сўзнинг ясалишини ёритиш ва яхлит ҳолда ҳосила сўзнинг этимологиясини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилган;

махсус терминлар, хусусан, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида тиббиёт соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг кенгайтиши муносабати билан тиббиёт номларини ўрганишга оид назарий ҳамда амалий материаллардан 5120100 – «Филология ва тилларни ўқитиш» бакалавриат таълим йўналиши талабалари учун «Хитой тили лексикологияси» ўқув қўлланмасини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 744-сон маълумотномаси). Натижада, хитой тили, жумладан, тиббиёт терминологияси ҳақида тўлиқроқ маълумотлар етказилиб, бакалавриат босқичи талабаларининг билим даражасини оширишга назарий ва амалий ёрдам берган;

тил ҳодисалари, хусусан, хитой тили тиббиёт терминологиясидаги аффиксация (префиксация ва суффиксация)ни ўрганишга оид таҳлилий хулосалардан Конфуций номидаги Ўзбек-хитой институтининг илмий фаолиятида ва дарс жараёнида қўлланилган (Конфуций номидаги Ўзбек-хитой институтининг 2021 йил 15 январдаги 2-сон маълумотномаси). Тиббиёт терминларини тушунтириш ва уларни аффиксация (префиксация ва суффиксация) орқали ҳосил қилиш татбиқ қилинган материаллар хитой тилини чуқур ўргатишга ҳамда ўқувчиларда хитой тиббиёт терминларини таржима қилиш бўйича муайян кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий, илмий-амалий анжуманлари ва семинарларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси чет эл журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатихамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 135 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Хитойда тиббий терминология шакллантирилишининг шарт-шароитлари» деб номланган бўлиб, унда Хитойда тиббиёт терминологиясини ўрганиш ва шакллантиришнинг назарий шарт-шароитлари, анъанавий тиббиёт (中医) ва Ғарб тиббиёти (西医)га асосланган бош сабаблар ҳамда хитой тили тиббиёт терминологиясидаги лексик-семантик ўзгаришлар фонида стандартлаштириш муаммоси кўриб чиқилди. XIX асрнинг охирида Ғарб тиббиётининг фаол кириб бориши Хитойда<sup>28</sup> институтлар, муассасалар пайдо бўлиши ва таъсирининг ўсишига сабаб бўлди. Чет эл тиббиётига беписанд бўлиш, уни эътибордан четда қолдириш хитой тиббиётида нотўғри хулосаларга олиб келади, деган тушунча Тан Цзунхай (唐宗海 tángzōnghǎi) асос солган 中西词通派 zhōngxī cí tōng pài – Хитой-Ғарб ўзаро муносабатлар мактабининг пайдо бўлишига боис бўлди.

Хитой тиббиёт фанининг ривожланиши тарихида учта муҳим босқич мавжуд, хусусан: 1) Хан даври ва классик тиббиётнинг ривожланиши; 2) Сун сулоласи даврида тиббиёт назариясининг тизимлаштирилиши, бу назариянинг Цин даври охири ва республика даврида Ғарб тиббиёти таъсири остида трансформация қилиниши; 3) хитой замонавий тиббиёти – ХХР ташкил топгандан кейин шаклланган анъанавий хитой тиббиёти<sup>29</sup>. Тиббиётга оид илк асарлар сирасига «山海经» [Shānhǎi jīng] – «Тоғлар ва денгизлар тўғрисида рисола», «黄帝内经» [Huángdì nèijīng] – «Сарик императорнинг ички ишлари ҳақида рисола» и «神农本草经» [Shénnóng běncǎo jīng] – «Шэньнун томирлари ва гиёҳлари ҳақида рисола»ларни киритиш мумкин. Илмий адабиётларда анъанавий хитой тиббиёти тараққиётининг ҳар бир босқичида унинг бутун хитой маданияти ва фалсафаси «黄帝内经» [Huángdì nèijīng] «Сарик императорнинг ички ишлари ҳақида рисола» (қисқартирилган ҳолда 内经 Nèijīng – «Ички ишлар ёки Нэйцзин ҳақида рисола») билан узвий муносабат изларини кузатиш мумкинлиги таъкидланади. Нэйцзин анъанавий тиббиётнинг назарий асосларини намойиш этди ва бутун Хитой тарихи мобайнида шифокорларнинг кейинги авлодлари орасида ўзига хос обрўга эга бўлган хитой тиббиёт фанида муҳим ўрин эгаллади<sup>30</sup>. Анъанавий хитой тиббиётида 内经 (Nèijīng) – Нэйцзинни тузиш бўйича ишлар ниҳоясига етгунга қадар хīп «юррак 心», fèi «ўпка 肥», gān «жигар 肝», dǎn «ўт пуфағи 胆», pí «талоқ 脾», wèi «ошқозон 胃» dà cháng «ўйғон ичак 大肠», xiǎocháng «ингичка ичак 小肠», shèn «буйрак 肾», pángguāng «сийдик пуфағи 膀胱», xuè «қон 血» ва mài «қон-томир тизимлари 脉» сингари тушунчаларнинг аниқ дефинициялари мавжуд бўлиб,

<sup>28</sup> Михель Д.В. Социальная история медицины: становление и проблематика // Журнал исследований социальной политики. – М., 2009. Т. 7. – № 3. – С. 295-312; Бернардино де Саагун, Куприенко С.А. Общая история о делах Новой Испании. Книги X-XI: Познания астеков в медицине и ботанике / Ред. и пер. С. А. Куприенко. – Киев: Видавец Куприенко, 2013. – 218 с. ISBN 978-617-7085-07-1; Мирский В.А. Медицина России X-XX веков. – М.: РОССПЭН, 2005. – 632 с.; Мирский В.А. Хирургия от древности до современности. Очерки истории. – М.: Наука, 2000. – 798 с. ва б.

<sup>29</sup> Самойленко В.В. Современное состояние традиционной китайской медицины: история формирования // Проблема Дальнего Востока №5(2), 2019. DOI: 10.3185 7/S013128120007512

<sup>30</sup> <https://www.kp.ru/guide/kitaiskaja-meditsina.html>

улар муайян анатомик органларни англантибгина қолмай, балки уларнинг хусусияти ва бажарадиган вазифаларини ҳам билдирган<sup>31</sup>.

Хитой тиббиёт терминологияси тарихида муҳим ўринни детерминистик таълимотга айланган 阴 Yīn - 阳 Yáng таълимоти эгаллайди. Тиббий таълимотда эса 阴 Yīn - 阳 Yáng инсон тана аъзолари, ички органлар ва инсон танасида «上 Shàng – юқорига ва 下 Xià – пастга, 内 Nèi – ичкарига ва 外 Wài – ташқарига» қараб ҳаракатланадиган физиологик моддалар классификаторлари ҳисобланиб, патоген омилларнинг икки турига ажратилади<sup>32</sup>. 阴 Yīn патоген омилни жорий қилишда унинг устунлиги ва 阳 Yáng омилнинг сусайиши кузатилади, бу «寒 qì hánqì ортиқчаликка ўхшаган совуқ» синдромлар ва аксинча – «热 qì rèqì ортиқчалик кўринишидаги иссиқлик»<sup>33</sup> синдромлари билан намоён бўлади. Анъанавий хитой тиббиётига хос яна бир хусусият – бу инсон тана аъзолари ва органларининг вазифаларини бешта асосий унсур ёки бирламчи элементларга мувофиқ таснифлаш ҳисобланади. 五行 Wǔxíng – Беш элемент фалсафий назарияси мураккаблиги, айти чоғда кетма-кетлиги, узлуксизлиги, изчиллиги билан ажралиб туради. Зотан унда оламнинг бешкатегорияси ўз аксини топади: 木 mù – дарахт, 火 huǒ – олов, 土 tǔ – ер(тупроқ), 金 jīn – металл, 水 shuǐ – сув. 五行 Wǔxíng назарияси 8 муқобили билан бирга «фаоллаштирувчи ва тазйиқ қилувчи алоқалар бўйича» амалга оширилиши мумкин дейилади: 臟腑 Zàngfǔ – органлар – бу инсон тана аъзоларининг умумий номи бўлиб, у 5 та 臟 Zàng – мучани, 6 та 腑 fǔ – орган, шунингдек, «ноодатий 腑 fǔ – мучалар»<sup>34</sup> ни ўз ичига олади.

XIX асрнинг ўрталари Ғарб тиббиётининг Хитойга кириб бориши билан ажралиб туради. Қабул қилинган тамойиллар тиббий терминларини стандартлаштириш жараёнига ва унинг мазмунига таъсир кўрсатган. Ички касалликлар (内科病 – nèikē bìng), педиатрия (儿科学 – ér kēxué), доялик (акушерлик) (产科学 – chǎn kēxué), гинекология (女科学 – nǚ kēxué) ва бошқа соҳалар бўйича нашр этилган дарсликлар муҳим роль ўйнаган. Қадимги Хитой мутафаккирлари Конфуций (孔子, миллоддан аввалги 551-479 й.й.), Мэн-цзы (孟子, миллоддан аввалги 372-289 й.й.), Лао Цзы (老子, миллоддан аввалги VI-V асрлар), Чжуан Цзы (庄子, миллоддан аввалги IV-III асрлар) ва Сюнь Цзы (荀子, миллоддан аввалги IV-III асрлар) ва бошқа файласуфларнинг асарларида терминология ҳақида ўзига хос оригинал тушунчалар ва ғоялар қайд этилган<sup>35</sup>.

<sup>31</sup> 《中国医学》. 李友华, 林谦. 北京: 2015 年. Юй Хуа, Линь Цянь. Традиционная китайская медицина. – Пекин, Министерство культуры КНР. – С.27-30.

<sup>32</sup> Попова Д.Е, Хоречко У В.Терминология китайской медицины. К постановке вопроса // Молодой учёный. – М., 2015. – №10(90). – С. 1428-1432.

<sup>33</sup> 《中国医学》. 李友华, 林谦. 北京: 2015 年. Юй Хуа, Линь Цянь. Традиционная китайская медицина. – Пекин, Министерство культуры КНР, 2015. – С.66-70.

<sup>34</sup> Овечкин А.М. Основы чжень-цзю терапии. – Саранск: Голос, 1991. – 417 с.

<sup>35</sup> Очиров О.Р.Линь Ч.Вопросы китайского терминоведения: от традиции «Упорядочение названий» к современной теории. Центр стратегических исследований Азиатско-Тихоокеанского региона Российского университета дружбы народов // Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского, 2015. - № 3. – С.192–199.

Тиббиёт терминологик тизимни ўрганиш, уни стандартлаштириш Хитойда ҳам, ундан ташқарида ҳам амалга оширилган. Сўнгги ўн йилликларда Хитойда соғлиқни сақлаш соҳасидажадал ахборотлаштириш ва стандартлаштириш ишлари амалга оширилганлигига қарамай, ахборотстандартлари янада долзарблаштириш, тиббиёт терминологияси мезонларни ва ягона стандартларини белгилашни тақозо этмоқда. Хитой тиббиёт терминологияси стандартлари давлат тизимининг асосий ютуқлари қуйидагилардир: 1) хитой тиббиётининг предметли сарлавҳалари (Chinese Medical subject headings CMeSH, 医学主题词表 Yīxué zhǔtí cí biǎo); 2) клиник текширув объектларининг таснифий кодлари (临床检验项目分类与代码 línchuáng jiǎnyàn xiàngmù fēnlèi yǔ dàimǎ); 3) анъанавий хитой тиббий терминлари рўйхати (中国中医药学主题词表 zhōngguó zhōngyī yàoxué zhǔtí cí biǎo); 4) анъанавий хитой тиббиётининг клиник терминологияси (中医药临床术语集 zhōng yīyào línchuáng shù yǔ jí); 5) анъанавий хитой тиббиёти касалликларининг таснифлаш кодлари (中医病症与分类代码 zhōng yī bìngzhèng yǔ fēnlèi dàimǎ); 6) қон қуйишда кенг ишлатиладиган терминлар (输血医学常用术语 shūxué yīxué chángyòng shù yǔ)<sup>36</sup>.

ХХР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан олиб борилган тадқиқотлар ва ахборот ресурслари маълумотларига кўра, тиббиёт терминлари стандартлари миллий тизимини яратишдан ташқари, соҳада ҳануз терминологик стандартлар сонининг етарли эмаслиги, Хитой соғлиқни сақлаш тизимидаги эҳтиёжларни қондириш ва ривожланиш учун етарли билимларни ташкил қилиш механизмлари ва тармоқ тизимларининг йўқлиги сингари муаммоларга дуч келмоқда<sup>37</sup>.

Тадқиқотнинг «**Жарроҳлик соҳасидаги тиббий терминлар ҳозирги хитой тили лексик-семантик тизимининг ажралмас қисми сифатида**» деб номланган иккинчи бобида жарроҳлик терминларининг тематик-семантик гуруҳлари аниқланган, эпонимлар жарроҳлик терминларининг алоҳида лексик-семантик гуруҳи сифатида ўрганилган. 医学术语 [yīxué shù yǔ] тиббиёт терминологияси соғлиқни сақлаш билан боғлиқ илмий тушунчаларни аниқ белгилаш учун ишлатиладиган лексик номлар йиғиндиси сифатида таълимнинг муайян усуллари билан боғлиқ. Таълим усуллари ва тиббиёт терминологиясини танлаш мезонлари лексик-морфологик ўзгаришлар ва жараёнларни ўз ичига олади<sup>38</sup>.

Хитой тиббиётида жарроҳликнинг ривожланиб бориши билан хитой тили жарроҳлик терминологиясига кирган терминлар мустаҳкамланиб борди. Булар сирасига: 基本外科 Jīběn wàikē (普通外科) (pǔtōng wàikē) – *таянч жарроҳлик (умумий жарроҳлик)*, 泌尿外科 (肾脏外科) Mìniào wàikē (shènzàng wàikē) –

<sup>36</sup> <https://navi.cnki.net/KNavi/Journal>, 2020 SNOMED CT - Systematized Medical Nomenclature: Clinical Terms. <https://apps.who.int/iris/handle/https://www.nmpa.gov.cn/wwwroot/gyx02302/sm.htm> <https://www.nmpa.gov.cn/wwwroot/gyx02302/sm.htm>

<sup>37</sup> <https://navi.cnki.net/KNavi/Journal>, 2020 SNOMED CT - Systematized Medical Nomenclature: Clinical Terms. <https://apps.who.int/iris/handle/https://www.nmpa.gov.cn/wwwroot/gyx02302/sm.htm> <https://www.nmpa.gov.cn/wwwroot/gyx02302/sm.htm>

<sup>38</sup> Штунь А.И. Латинский язык для медиков. –М.: ЭКСМО, 2008. – С.32.

урология (буйрак жарроҳлиги), 骨外科 Gǔ wàikē – ортопедия, 心胸外科 Xīnxiōng wàikē – кардиоторакал жарроҳлик, 神经外科 (颅脑外科) Shénjīng wàikē (lú nǎo wàikē) – нейрхирургия (мия чанози жарроҳлиги) каби терминларни киритиш мумкин. Лексик-семантик таркибнуктаи назаридан 普通外科 – умумий жарроҳлик терминлари қизиқиш уйғотади. Масалан: 普通外科 Pǔtōng wàikē – умумий жарроҳлик 诊治 zhěnzhi – диагностика ва даволашдан иборат, 腹部 fùbù – қорин бўшлиғи, 外科 wàikē – жарроҳлик, 疾病 jíbìng – хасталик, 肢体 zhītǐ – оёқ-қўллар, 创伤 chuāngshāng травма (лат ейши) ва бошқалар <sup>39</sup>. Бундан ташқари, беш тоифага бўлинадиган жарроҳлик хасталиклари шартли равишда ажратилади: 损伤 Sǔnshāng – яра (创伤), 感染 gǎnrǎn – инфекция, 肿瘤 zhǒngliú – ўсма, 畸形 jīxíng – деформация, 功能障碍 gōngnéng zhàng – дисфункция (функция бузилиши) ва бошқ. Тиббиётга оид терминологияда терминларни таснифлашда айрим мунозарали масалалар мавжуд. Шуни таъкидлаш керакки, бошқа таснифлар билан бир қаторда терминларнинг семантик таснифини ҳам кўриб чиқиш катта аҳамиятга эга. Семантик тасниф бошқа таснифлар каби бир мунча танлаш мезонларига эга, ушбу мезонлардан бири муаллифнинг илмий билимлар йиғиндисида асосланган субъектив фикрини ўз ичига олади. Бинобарин, таснифларнинг қайси бири тўғри ва аниқ бўлишини аниқлаш жуда қийин<sup>40</sup>.

Тиббиёт терминологиясини тизимлаштириш учун Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (World Health Organization)<sup>41</sup> номенклатураси таснифига мувофиқ учта асосий (қуйи тизим) терминларни ажратиб олиш таклиф этилади: 1) анатомик 解剖学的 [jiěpōu xué de] ва гистологик 组织学的 [zǔzhī xué de] анатомик (оддий кўз билан кўра олинadиган тузилмалар) ва гистологик (микроскоп билан кўра олинadиган тузилмалар) шаклланишининг барча номларини ўз ичига олган номенклатура 命名法 [mìngmíng fǎ]; 2) клиник терминология 临床术语 [línchuáng shùyǔ], жумладан, турли ихтисосликлар: терапия, жарроҳлик, акушерлик ва гинекология, неврология, офталмология, психиатрия ва бошқа мутахассисликларга оид терминларни қамраб олади<sup>42</sup>; 3) фармацевтика терминологияси 药学的术语 [yàoxué de shùyǔ]. Ушбу тадқиқот олдида қўйилган мақсадларга мувофиқ биз жарроҳлик терминлари ва асбоб-ускуналарини ўз ичига олган клиник терминологиянинг иккинчи гуруҳи (қуйи тизими)га оид жарроҳлик терминларини танлаб олдик <sup>43</sup>. Жарроҳлик

<sup>39</sup> Хусусан, жарроҳликнинг доимий ўсиб бораётган ҳажми ва ортиб бораётган талаблари туфайли ва анестезия терминларини –麻醉 жарроҳлик терминологияси қаторига қўшиш мумкин, масалан, 麻醉专业 анестезиолог, 监护病房 – жадал терпия бўлими.

<sup>40</sup> Шкарин В.В., Григорьева Ю.В., Горохова Н.М. О культуре использования научной медицинской лексики (терминологии) // Государственная медицинская академия. – Нижний Новгород, 2004. <https://www.medicum.nnov.ru/nmj/2004/1/31.php>; Головачёва Д.В., Новицкая И.В. Особенности перевода медицинских терминов. – Томск, 2018. – С.30-33.

<sup>41</sup> <https://www.who.int/zh/news/item/29-06-2020-covidtimeline>

<sup>42</sup> Хребнова О.М., Барецкая А.Е. Клиническая терминология / Учебно-методическое пособие для медицинского факультета (ВПО и СПО). – Калининград: БФУ им.И.Канта, 2011. – 172с.

<sup>43</sup> MEDIN 系列手術器械適用於日常手術。除了用於普外科的器械外，我們還提供用於外科專科的器械。工具有很多類型，類型和完成方式可供選擇。



терминларини қамраб олган 临床术语 клиник терминология, таркибининг ўзига хослиги билан ажралиб туради, масалан, лексик-семантик таркибни аниқ-равшан акс эттирувчи жарроҳлик йўналишларининг номлари, шу жумладан: *абдоминаль* (қорин жарроҳлиги) термини – 腹部外科– *fùbù wàikē*<sup>44</sup> (*腹部外科学 fùbù wài kēxué*) ва мураккаб 腹部外科手术器械– *fùbù wàikē shǒushù qìxiè* – қорин бўшлиғи жарроҳлиги учун жарроҳлик воситаси қуйидагиларда ташкил топади: 腹部– *fùbù* қорин; бачадон; қорин; қоринча; қоринга оид, *вентраль* + 外科 *wàikē* – жарроҳлик, жарроҳлик бўлими; жарроҳлик, + 手术 – жарроҳлик + 器械 *qìxiè* – асбоб) ва ҳ.к.

Тиббий асбоблар хилма-хил бўлиб, уларни билдирувчи терминлар алоҳида эътиборга лойиқ. Умумий жарроҳлик ва махсус жарроҳлик асбоблари тиббиёт техникаси умумий номенклатурасининг ярмидан кўпини ташкил қилади.

Жарроҳлик асбобларини билдирувчи терминларнинг лексик-семантик таркибини таҳлил қилиш натижаси терминларни 2 гуруҳга бўлиш мумкинлигини кўрсатди: 1) 普通外科器械 *Pǔtōng wàikē qìxiè* умумий жарроҳлик ускуналари; 2) 特殊手术器械 *Tèshū shǒushù qìxiè* махсус жарроҳлик ускуналари. 普通外科器械 *Pǔtōng wàikē qìxiè* умумий жарроҳлик асбобларини функционал мақсадлари ва турларига кўра 9 та кичик гуруҳга ажратиш мумкин. Жарроҳлик асбоблари терминларининг хитойча таснифи уларни жарроҳлик соҳасининг тармоқларига мувофиқ бўлинишига амал қилади.

